



104/21-У -son

« 2 » « сентябрь » 2020 yil

**Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2020 йил 9 ойлик  
фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида**

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди томонидан 2020 йил 9 ойи давр мобайнида **261** нафар шахсга нисбатан **227** та жиноят ишлари кўриб тамомланган.

Кўриб тамомланган ишлардан **164** та иш бўйича **196** нафар шахсга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган бўлса, **65** нафар шахсга нисбатан **63** та иш тугатилган.

Жами судланган **196** нафар шахснинг **40** нафарига жарима, **1** нафарига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, **28** нафарига ахлоқ тузатиш ишлари, **64** нафарига озодликни чеклаш, **51** нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, **8** нафари шартли ҳукм қилинган, **4** нафарига жазо тайинланмасдан, ҳукм чиқарилган.

Шу ўринда, жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаган ҳамда жабрланувчиларнинг даъволари бўлмаганлиги, моддаларни квалификация қилинганлиги ва қонун ўзгаришлари натижасида **22** нафар шахс суд залидан камокдан озод этилган.

Маҳалла фуқаролар йиғини, ёшлар иттифоқи ва хотин-қизлар кўмиталарининг кафиллиги асосида **32** нафар шахсга қонунда белгиланган енгилроқ жазолар қўлланлиган.

Кўрсатилган даврда судланган аёллар **20** нафарни, вояга етмаганлар **4** нафарни, ёшлар эса **104** нафарни ташкил қилди.

“Халқ қабулхоналари”да сайёр қабуллар ўтказиши амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқий масалалар юзасидан муаммоларини тизимли ҳал этиш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини доимий ошириб бориш мақсадида “**Менинг маҳаллам-менинг судьям**” ғояси асосида Тошкент шаҳар жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлари судьялари

томонидан ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида режа асосида сайёр учрашувлар ўтказилмоқда.

Судьялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси билан ҳамкорлик ўрнатилиши натижасида туман ҳудудларида фуқароларнинг муносабатлари бўйича олиб борилган ишларда иштирок этиб, жами **26** та муносабат кўриб чиқилди.

2020 йил 29 май куни Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш Учтепа туман бўлими ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Учтепа туман кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган кўшма мажлисда, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни профилактикаси бўйича ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда ёшлар, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, уларнинг асл сабабларини ўрганиш, жиноят содир этишга мойил, шунингдек, уюлмаган ёшлар билан ишлаш борасида тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинган ва бу йўналишда тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг судьялар билан учрашувида билдирган ҳақли эътирозларидан тегишли хулоса чиқарилиши натижасида, кўрсатилган даврда **50** та жиноят ишлари **сайёр суд мажлислари**да кўриб чиқилди, жиноятчиликни олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида жами **86** та очик мулоқотлар ўтказилди, **290** мартаба оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинди. Жумладан, телевидение орқали **98** мартаба, радио орқали **5** мартаба чиқишлар, газеталарда **14** та мақолалар, Веб-сайт ва бошқа ахборот воситалари орқали эса **173** та мақолалар эълон қилиниб, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида **168** та ишлар бўйича хусусий ажримлар чиқарилиб, жойларга муҳокама қилиш учун юборилган.

Туман суди томонидан аҳолини жамиятдаги ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликни олдини олиш мақсадида тумандаги маҳаллалар ва таълим муассасаларида сайёр суд мажлислари ва очик мулоқотлар ўтказилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддасига асосан ҳамда суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг ахволи,

муаммолар ва келгусидаги вазифалар борасидаги фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Учтепа туман жиноят ишлари суди раиси Д.Камиловнинг Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2020 йил 9 ойлик фаолияти юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман жиноят ишлари суди раиси (Д.Камилов)га:

- судлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ҳамда виртуал қабулхонасидан юборилган мурожаатларни алоҳида назоратга олган ҳолда белгиланган муддатда, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқилиши таъминлаш;

- ҳар бир жиноят ишларини кўриш жараёнида аниқланган жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар юзасидан тегишли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, жамоалар ёки мансабдор шахсларга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳақида хусусий ажримлар чиқариш йўли билан ўз муносабатларини билдириш;

- ҳудудлардаги “аёллар, вояга етмаганлар, ёшлар” жиноятчилигини доимий равишда таҳлил қилиб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бунга йўл қўйилаётган шарт-шароитларни ўрганиш тавсия этилсин.

- туман мутасадди бошқармалар, идоралар ва ташкилотлар, туман хокими ўринбосарлари белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан суд идораларига яқиндан амалий кўмак кўрсатилиши таъминлаш топширилсин.

3. Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан **жорий йилнинг якуни бўйича 2021 йилда** халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ахборот киритсин.

4. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (О.Ташанов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши раиси ўринбосари



С.Имамов





105/21-У-сон

« 2 » « декабрь » 2020 yil

**Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судини  
2020 йилнинг 9 ойлик фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида**

Учтепа туманлараро суди томонидан жами 3163 та, 2019 йилнинг 9 ойида 4308 та фуқаролик иши тамомланган бўлиб, тамомланган ишларнинг сони 2020 йилнинг 9 ойига нисбатан 1145 тага камайган.

Шунингдек, туманлараро суди томонидан 2020 йил 9 ойи давомида 498 та аризалар бўйича суд буйруғи чиқарилган бўлса, 2019 йилнинг 9 ойида 665 та аризалар бўйича суд буйруқлари чиқарилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 167 тага камайган.

Туманлараро суди томонидан 2020 йил 9 ойи давомида тамомланган фуқаролик ишларининг 2778 таси бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилиб, шундан 1926 таси бўйича даъво талаблари тўлиқ, 384 таси бўйича қисман қаноатлантирилган, 468 таси бўйича даъво талабларини қаноатлантириш рад қилиниб, 65 та фуқаролик иши бўйича иш юритиш тугатилган ва 320 та фуқаролик иши бўйича даъво аризалари кўрмасдан қолдирилган.

Кўрилган жами **3163** та ишларнинг 752 таси никоҳдан ажратиш (Учтепа туманида 346 та = 171 та қаноат + 175 та рад, Чилонзор туманида 319 та = 160 та қаноат + 159 та рад), 17 та тугатилган, 70 та кўрмасдан қолдирилган, 46 таси алимент ундириш (Учтепа туманида 24 та, Чилонзор туманида 22 та), 64 таси болани олиш ва бола билан кўришиш (Учтепа туманида 31 та, Чилонзор туманида 33 та), 12 таси оталикни белгилаш (Учтепа туманида 6 та, Чилонзор туманида 6 та), 25 таси оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш (Учтепа туманида 13 та, Чилонзор туманида 12 та), 18 таси оталикка эътироз билдириш (Учтепа туманида 8 та, Чилонзор туманида 10 та), 197 таси оила низолари билан боғлиқ бошқа ишлар (Учтепа туманида 101 та, Чилонзор туманида 96 та), 67 таси меҳнат низолари (Учтепа туманида 31 та, Чилонзор туманида 36 та), 365 таси уй-жой низолари билан боғлиқ ишлар (Учтепа туманида 179 та, Чилонзор туманида 186 та), 141 таси мулк ҳуқуқи (шундан 26 таси ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бузиш) 22 таси коммунал хизмат бўйича қарздорликни ундиришга доир (Учтепа туманида 4 та, Чилонзор туманида 18 та), 1089 таси битимларга доир (Учтепа туманида 539 та, Чилонзор туманида 550 та), 6 таси ер низолари билан боғлиқ (Учтепа туманида 4 та, Чилонзор туманида 2 та), 216 таси зарар билан боғлиқ низолар (Учтепа туманида 106 та, Чилонзор туманида 110 та), 26 таси даъво тартибида кўрилган бошқа низолар бўйича (Учтепа туманида 3 та,

Чилонзор туманида 23 та), 107 таси алоҳида тартибда кўрилган ишлар (Учтепа туманида 51 та, Чилонзор туманида 56 та)ни ташкил қилган.

2020 йил 9 ойида туманлараро суди судьяларининг бир ойлик ўртача иш ҳажми 59 та фуқаролик ишига, 9 та суд буйруғи тартибидаги аризаларга, жами фуқаролик ишлари ва суд буйруғи тартибидаги аризалар кўшиб ҳисобланганда 68 та ишни ташкил этган.

Туманлараро суди ҳал қилув қарорларининг 178 таси апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган бўлиб, мазкур ишларнинг 38 таси бекор қилинган бўлса, 21 таси қисман ўзгартирилган.

Ўтган 2020 йил 9 ойи давомида даъво тақдим этишда тўланган давлат божи 1.258.666.292 сўмни, суд қарори билан ундирилган давлат божи 1.881.186.082 сўмни, суд буйруғи чиқаришда ундириш белгиланган давлат божи 159.536.671 сўмни ташкил қилган.

Ўтган давр мобайнида ўтказилган сайёр мажлислари сони умумий кўрилган ишга нисбатан 38,6 фоизни ташкил қилган, яъни ўтган давр мобайнида судьялар томонидан 1220 та сайёр мажлислар ўтказилган.

Мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан судлар томонидан 21 та хусусий ажримлар чиқарилган.

Учтепа туманлараро суди судьялари томонидан жойларда муаммоларни ҳал этиш учун ҳар ойда халқ билан очиқ мулоқотлари, шунингдек судьялар томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнлари, халқ билан мулоқот натижалари ва суд фаолиятига доир бошқа масалалар тўғрисида чиқишлари дастури асосида судьялар томонидан телевидениеда 24 та, аҳоли ўртасида 24 та, ўқув муассасаларида 5 та чиқишлар амалга оширилди.

Ҳозирда барча судья ва ходимлар ўз иш фаолиятига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб, уларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чоралари кўриб келинмоқда.

Судьялар томонидан ўз қасамёди, одоб-ахлоқига зид равишда ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш ҳолатларига чек қўйиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланиб, бунда судьялик шаънига доғ туширадиган ҳар бир ғайриқонуний хатти-ҳаракатга “фавқулодда ҳолат” сифатида қараб, уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиб, йўл қўйилган камчиликлар такрорланмаслиги мақсадида доимий равишда судьялар ҳамжамияти билан муҳокама қилишга, қонун бузилиш содир этган ходимларга нисбатан муросасизлик муҳитини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига эътиборни янада кучайтириб, уларнинг ҳар бир важини чуқур атрофлича ўрганилиши, жавоблар асосли ва тўлиқ бўлиши таъминланмоқда.

Судьяликка номзодлар захирасини шакллантириш, судьялик лавозимларига юксак маънавий-ахлоқий, касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали бажарилишини таъминловчи, ҳар қандай вазиятга холис ва одилона баҳо бера

оладиган, қонунга қатъий итоат этадиган номзодларни судьялик лавозимларига тавсия этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳар бир судья томонидан мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун аҳоли билан жойларда бир ойда камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этилишига, очик мулоқотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасининг мазмун-моҳиятини, унинг аҳамиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Судьялар иш юритувидаги ишларнинг камида ўттиз фоизини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилишини ташкиллаштирилмоқда.

Судьялар ҳар бир ишни кўриб чиқиш якуни бўйича қабул қилинган қарорини эълон қилингандан кейин, албатта унинг мазмун-моҳиятини суд иштирокчиларига тушунтириб берилишини қатъий таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Бироқ, бу кўрсаткичлар ҳали ҳамон давлатимиз раҳбари томонидан кўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб беради деб бўлмайди. Шу боис, Президент томонидан берилган кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда профилактика ишларини бунданда жадаллаштириш, халқ билан кўпроқ очик мулоқотлар ўтказиш, халқнинг ичига кириб, уларнинг дарду-ташвишларини эшитиш судьялар фаолиятининг асосини ташкил этиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддасига асосан ҳамда суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифалар борасидаги фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди раиси М.Имамовнинг 2020 йил 9 ойлик фаолияти юзасидан юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди (М.Имамов) судлар фаолиятини янада яхшилаш, халқ билан мулоқотни тўғри йўлга кўйиш, суд ишларининг тарбиявий ролини ошириш мақсадида:

- оилавий муносабатлардан келиб чиқаётган низолар бўйича оилаларни яраштириш мақсадида ҳоким ўринбосарлар, бошқа масъул идоралар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилишига эътибор қаратиш;

- сайёр суд мажлислари жараёнида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик туйғусини сингдириш чораларини кўришга қаратиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни қонунда белгиланган тартибда ҳал этилишини таъминлаш;



- хар бир судья томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнлари, халқ билан мулоқот натижалари ва судлар фаолиятига доир бошқа масалалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишларни жадаллаштириш;

- суд фаолияти очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш учун ҳуқуқий тарғибот ишларини янада жонлантириш тавсия этилсин.


3. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан **жорий йилнинг якуни бўйича 2021 йилда** халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ахборот киритсин.

4. Учтепа туманидаги мутасадди бўлим ва бошқармалар, идоралар ва ташкилот раҳбарларига:

белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан суд идораларига яқиндан амалий кўмак кўрсатилишини таъминлаш топширилсин.

5. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (О.Ташанов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши раиси ўринбосари



С.Имамов



106/21-У-сон

« 2 » « декабрь » 2020йил

**Учтепа туман маъмурий судининг 2020 йилнинг 9 ойлик фаолияти  
юзасидан ахбороти тўғрисида**

Учтепа туман маъмурий суди томонидан 2020 йилнинг 9 ойи давомида жами 3605 нафар шахсга нисбатан 3183 та иш кўриб тамомланган бўлиб (ўтган йилдан 33 тага кам), 2811 нафар шахсга нисбатан 2420 та маъмурий ишлар бўйича маъмурий жазо чораси қўлланилган.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, 2020 йилнинг 9 ойида суднинг иш юритувида маъмурий ишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан карантин тартиби сабабли бир мунча камроқ келиб тушган.

2020 йилнинг 9 ойи давомида кўриб тамомланган ишлар юзасидан 2044 та маъмурий ишлар бўйича 2360 нафар шахсга нисбатан жарима жазоси, 198 та маъмурий ишлар бўйича 198 нафар шахсга нисбатан махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси, 329 та маъмурий иш бўйича 404 нафар шахсга нисбатан маъмурий камок жазоси тайинланган.

794 нафар шахсга нисбатан 763 та маъмурий ишлар тугатилган бўлиб, шундан:

-МЖтКнинг 21-моддаси (огоҳлантириш) билан 44 нафар шахсга нисбатан 23 та;

-МЖтКнинг 271-моддаси 1-банди (ҳуқуқбузарлик аломати йўқ) билан 21 нафар шахсга нисбатан 13 та;

-МЖтКнинг 271-моддаси 7-банди (маъмурий жазо қўллаш муддати ўтиб кетганлиги) билан 12 нафар шахсга нисбатан 11 та;

-МЖтКнинг 271-моддаси 10-банди (оқибати бартараф этилган) билан 35 нафар шахсга нисбатан 35 та маъмурий иш;

-бошқа асосларга кўра 682 нафар шахсга нисбатан 681 та маъмурий ишлар ҳаракатдан тугатилган.

2020 йилнинг 9 ойида жами 514 нафар аёлларга нисбатан маъмурий ишлар кўрилган.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, 2020 йил 9 ойида судлар томонидан аёлларга нисбатан кўрилган ишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир мунча камайган. (24 тага).

2020 йилнинг 9 ойида 184 нафар 60 ёшдан ошган шахсларга маъмурий ишлар кўрилган.



Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, 2020 йил 9 ойида судлар томонидан 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан кўрилган ишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир мунча кўпайган. (14 тага).

2020 йилнинг 9 ойида жами 7 нафар вояга етмаган шахсларга нисбатан маъмурий ишлар кўрилган

Туман судининг биринчи инстанцияда кўрилган маъмурий ишлар ҳажми ҳар бир ( 3 нафар) судьяга тақсимланганида ойига ўртача 117 тадан иш тўғри келган.

Ҳисобот даврида 312 та муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштиришга оид илтимосномалар келиб тушган, шундан 296 таси қаноатлантирилиб, 16 таси рад қилинган.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича ҳисобот даврида жами 133 та шикоят келиб тушган бўлиб (ўтган йилдан 2 тага кўп ), шулардан 80 таси суд иш юритувига қабул қилиниб, кўриб чиқилган.

Ўтган 9 ойи давомида тайинланган жарима жазоларининг 954.000.000 сўм ихтиёрий равишда қопланган, ижро қилиш учун мажбурий ижро бюросига 1.236.000.000 сўм ундириш учун юборилган.

Муҳокама этилаётган даврда Учтепа туман маъмурий суди томонидан 24 та маъмурий иш юзасидан юқори турувчи органларга тақдимномалар киритилган.

Профилактик тарғибот ишлари.

Шаҳар ва туман маъмурий судлари томонидан аҳолини ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилган.

Жумладан, Тошкент шаҳар маъмурий суди судьялари томонидан 2020 йил 9 ойи давомида корхона, ўқув муассасалари ҳамда аҳоли ўртасида жами 32 мартаба давра суҳбатлари, семинарлар ва очик мулоқотлар ўтказилган.

Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қўлланилган чораларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ишларни сайёр суд мажлисларида кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Хавфсиз пойтахт” концепцияси бўйича амалга оширилган ишлар.

Учтепа туман маъмурий судларида хизмат фаолиятини тўлиқ амалга ошириш мақсадида, Тошкент шаҳар маъмурий суди раисининг 2018 йил 25 июндаги 72-сонли буйруғи билан 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб Тошкент шаҳар туман маъмурий судлари судьялари ва суд ходимларидан иборат таркибда ҳар куни сутканинг кечки ва тунги вақтларида тўртта секторга бўлинган ҳолда, яъни Яшнобод, Яққасарой, Олмазор, Шайхонтоҳур туман маъмурий судлари биносида ташкил қилинган тегишлича 1-4-секторларда навбатчилик жадвали тасдиқланган.

Секторлар бўйича масъул бўлган Тошкент шаҳар туман маъмурий судининг судьялари ва суд ходимлари томонидан навбатчилик жадвали бўйича қўнлик назорат амалга оширилган.

2020 йилнинг 9 ойи давомида туман судининг судья ҳамда суд аппарати ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан мурожаатлар келиб тушмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддасига асосан ҳамда суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифалар борасидаги фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Учтепа туман маъмурий суди раиси Ж. Қурбановнинг Учтепа туман маъмурий судининг 2020 йилнинг 9 ойлик фаолияти юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман маъмурий суди раиси (Ж.Қурбанов)га:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига эътиборни янада кучайтириб, уларнинг ҳар бир важини чуқур ва атрофлича ўрганилиши, жавоблар асосли ва тўлиқ бўлишини таъминлаши;

- ҳар чоракка мўлжалланган жадваллар асосида халқ билан мулоқот ўрнатишга қаратилган аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, бунда ҳар бир судья томонидан мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун аҳоли билан жойларда бир ойда камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этилишига, очик мулоқотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасининг мазмун-моҳиятини, унинг аҳамиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- сайёр суд мажлислари жараёнида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик туйғусини сингдириш чораларини кўришга қаратиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни қонунда белгиланган тартибда ҳал этилишини таъминлаш;

- ҳар бир судья томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнлари, халқ билан мулоқот натижалари ва судлар фаолиятига доир бошқа масалалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишларни жадаллаштириш;

- суд фаолияти очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш учун ҳуқуқий тарғибот ишларини янада жонлантириш тавсия этилсин.

3. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан **жорий йилнинг якуни бўйича 2021 йилда** халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ахборот киритсин.

Учтепа туманидаги мутасадди бўлим ва бошқармалар, идоралар ва ташкилот раҳбарларига:

белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан суд идораларига яқиндан амалий кўмак кўрсатилишини таъминлаш топширилсин.

4. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (О.Ташанов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши раиси ўринбосари



С.Имамов





107/21 - II-son

« 2 » « декабрь » 20 20 yil

**Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йилнинг 9 ойлик  
фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 13 июлдаги “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан судлар фаолиятига оид ахборотни эшитиш амалиётининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҚҚ-104-IV-сонли қарорига асосан суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, муаммолар ва келгусидаги вазифалар борасидаги фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Тошкент туманлараро иқтисодий суди раиси С.Солиевнинг Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йилнинг 9 ойлик фаолияти юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Тошкент туманлараро иқтисодий суди (С.Солиев) га:
  - Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан одил судловни амалга ошириш ҳамда судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш;
  - барча судьялар ва суд ходимларини ўз иш фаолиятига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб, уларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чораларини кўриш;
  - жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни қонунда белгиланган тартибда ҳал этилишини таъминлаш;
  - ҳар бир судья томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнлари, халқ билан мулоқот натижалари ва судлар фаолиятига доир бошқа масалалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишларни жадаллаштириш;
  - суд фаолияти очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш учун ҳуқуқий тарғибот ишларини янада жонлантириш тавсия этилсин.
3. Учтепа туманидаги мутасадди бўлим ва бошқармалар, идоралар ва ташкилот раҳбарларига:

белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан суд идораларига яқиндан амалий кўмак кўрсатилишини таъминлаш топширилсин.

4. Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан **жорий йилнинг якуни бўйича 2021 йилда** халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ахборот киритсин.

5. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (О.Ташанов) зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши раиси ўринбосари**



**С.Имамов**



108/21-й -son

« 2 » « декабрь » 2020 yil

**Учтепа туманидаги давлат органлари ва ташкилотларида норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати юзасидан Учтепа туман адлия бўлимининг 2020 йилнинг 9 оyi давомида амалга оширган ишлари хусусидаги ахбороти тўғрисида**

2020 йилнинг 9 оyi давомида Учтепа туман адлия бўлими томонидан адлия органлари зиммасига юклатилган вазифалар бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан,

**1. Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасида:**

Бўлим томонидан 2020 йилнинг 9 оyi давомида 26 та сайёр қабуллар ташкил этилиб, муаммоли хонадонлар уйма-уй юриб ўрганилди ҳамда аҳолининг 550 та мурожаатлари бўлим иш юритувига қабул қилинди.

Ушбу мурожаатларнинг ўрганиб чиқилиши натижасида 510 таси ёки қарийб 92 фоизи қаноатлантирилди. Шу жумладан, 165 та мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Мазкур мурожаатлар асосида 121 та такдимнома, судларга 19 та даъво аризалари, шунингдек тегишли идораларга айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича 27 та таклифлар киритилди.

Кўрилган таъсир чоралари натижасида давлат органларининг 20 та ноқонуний ҳужжатлари бекор қилиниб, айбдор мансабдор шахсларнинг

31 нафари интизомий ва 19 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, фуқароларга тўланмай қолган 420 млн сумдан ортиқ пул маблағлари ундириб берилиши таъминланди.

**2. Бўлим томонидан ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигини йўқ қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:**

Бўлим томонидан 2020 йилнинг 9 оyi давомида келиб тушган 930 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат органлари ва ташкилотларига



етказилди. Шундан, 40 таси Ўзбекистон Республикаси қонунлари, 43 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, 184 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, 432 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 227 таси вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, 4 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини ташкил этади.

Ҳисобот даврида жами 688 мартаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилиб, шундан 468 тасини ОАВлари орқали чиқишлар, шу жумладан,

18 та телевидения, 10 та радио ва 5 та газета журналлар орқали чиқишлар,

195 тасини оғзаки ҳамда 25 тасини кўргазмали ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этади.

Шунингдек, муҳтарам Президентимизнинг топшириғига кўра тасдиқланган график асосида тумандаги маҳаллаларда уйма-уй юриб аҳолига бепул ҳуқуқий тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Аҳолимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида Учтепа туман адлия бўлими томонидан ташкил этилаётган сайёр қабуллар ҳамда уйма-уй юришлар давомида, аҳолининг кундалик ҳаётида кўп учрайдиган қонунчиликдаги ўзгариш ва янгиликлар акс этган буклет, флаерлар тарқатиш орқали ҳуқуқий тушунтиришлар берилмоқда.

Шу билан биргаликда, аҳоли билан ижтимоий тармоқларда онлайн мулоқотлар ташкил этиш мақсадида Бўлимнинг “facebook” ижтимоий тармоғидаги “Учтепа туман адлия бўлими” саҳифаси ташкил этилган бўлиб, унга аъзо бўлганлар сони ҳозирги кунда 2 000 га яқин ташкил этади.

Ушбу facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифага доимий равишда янги қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларининг мазмун моҳиятини оддий халқчил тилда бўлган тарзда жойлаштирилиб борилмоқда. Шунингдек, ушбу саҳифада “Ҳуқуқий ёрдам”, “Сўранг, жавоб берамиз!”, “Ҳуқуқингни бил ва талаб қил!” каби лойиҳалар доирасида ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат этишлари мумкинлиги тўғрисидаги эълонлар жойлаштирилиб, фуқароларни қизиқтирган саволларига жавоблар бериб борилмоқда.

Шу билан бирга, туман адлия бўлими томонидан ҳар хил турдаги акциялар давомида буклетлар тарқатиш орқали тарғибот тадбирлари ҳамда “Адлия тадбиркорга дўст” лойиҳаси доирасида ҳамда лицензия ва рухсатномалар олиш билан боғлиқ муаммолар хусусида ва бошқа турдаги аноним сўровномалар ўтказилиб, сўнгги ҳуқуқий янгиликлар тўғрисида батафсил тушунтиришлар бериб борилмоқда.

### **3. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг барқарорлиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш соҳасида:**

Бўлим томонидан ҳуқуқни қўллаш соҳасида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида 63 та ўтказилган ўрганиш, мониторинг ва таҳлиллар натижасида 17 мингдан ортиқ қонун бузилишлар, хато ва камчиликлар аниқланди.

Келгусида қонун бузилишлар, хато ва камчиликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларига 121та тақдимнома, 1730 та огоҳнома, айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 27 та таклиф, шунингдек судларга 19 та даъво аризалари киритилди.

Кўрилган таъсир чоралари натижасида 31 нафар шахс интизомий ва 19нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда давлат органларининг 20 та ҳужжатлари бекор қилинди.

Келиб тушган мурожаатларнинг таҳлили ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, бўлим томонидан қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича 12 та таклифлар ишлаб чиқилди.

### **4. Давлат органлари ва ташкилотларининг туман тузилмаларида ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва методик таъминлаш соҳасида:**

Туман адлия бўлими томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш соҳасида 2019 йил давомида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, тумандаги давлат органларида 11 та юридик хизмат ходими штат бирлиги мавжуд бўлиб, амалда 9 нафар ходим фаолият юритмоқда. Вакантлар сони 2 тани ташкил этади.

Лавозимга биринчи марта тайинланган 2 нафар юридик хизмат ходимлари адлия органларида стажировка ўташи ҳамда 2 нафар юридик хизмат ходимига мартаба даражаси берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, 2 нафар юридик хизмат ходимининг Юристлар малакасини ошириш марказида малакаси оширилиши таъминланди.

Юридик хизмат ходимини аттестациядан ўтиши учун ҳужжатлар топширилишини ва малакасини оширилишини таъминлаш ҳамда юридик хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш ва норматив тусдаги қарорларни

ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда белгиланган тартибга катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан 2 та тақдимнома, 13 та огоҳнома киритилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сон Фармонининг 6-бандида асосан ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати борасидаги фаолиятни кучайтириш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Учтепа туман адлия бўлими бошлиғи О.Нигматовнинг Учтепа туманидаги давлат органлари ва ташкилотларида норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати юзасидан Учтепа туман адлия бўлимининг 2020 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширган ишлари хусусидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман адлия бўлими (О.Нигматов)га:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига эътиборни янада кучайтириб, уларнинг ҳар бир важини чуқур ва атрофлича ўрганилиши, жавоблар асосли ва тўлиқ бўлишини таъминлаши;

- сайёр қабуллар жараёнида ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигини йўқ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни кучайтириш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни қонунда белгиланган тартибда ҳал этилишини таъминлаш;

- давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш ишлари янада жонлантириш тавсия этилсин.

3. туман адлия бўлими томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан **жорий йилнинг якуни бўйича 2021 йилда** халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ахборот киритсин.

4. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (О.Ташанов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши раиси ўринбосари



С.Имамов